



Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос розияллоху анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам йўл устида бўлсалар, пешин билан аср ўртасини, шунингдек шом билан хуфтон ўртасини жамлаб ўқирдилар.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Ибн Умар розияллоху анҳумо шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламни кўрганманки, сафарда тез юраётган бўлсалар, шомни кечиктириб, хуфтон билан қўшиб ўқирдилар. Шом намозига иқома айтиб, З ракъат ўқирдилар, сўнг салом берардилар. Озгина турғанларидан кейин хуфтонга иқома айтиб, уни 2 ракъат ўқирдилар, сўнг салом берардилар. Бу икки намоз ўртасида бирон ракъат намоз ўқимас эдилар, хуфтондан кейин ҳам то кечаси таҳажжуд намозига турғунларича бирон ракъат намоз ўқимас эдилар.



Имом Абу Довуд ва имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Муоз ибн Жабал шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук жангидағи сафарларида агар йўлга тушишларидан аввал кун қиёмидан оғса, пешин билан асрни жамлаб ўқиб олар эдилар, аммо қуёш қиёмидан оғмасидан йўлга тушган бўлсалар, аср вақти киргунича пешинни кечиктириб турар эдилар. Шомда ҳам худди шундай - яъни - агар қуёш йўлга тушишларидан аввал ботса шом билан хуфтонни жамлаб ўқиб олар эдилар, аммо қуёш ботишидан олдин йўлга тушган бўлсалар, хуфтон вақти киргунича шомни кечиктириб, кейин шом билан хуфтонни жамлаб ўқир эдилар.

## Шарх:

Аллох таоло бандаларига бўлган марҳамати ва фазлу карами ила улардан қийинчиилик ва ҳаражни кўтаришни истади, сафарда тўрт ракъатли намозларни икки ракъатдан қилиб, жамлаб ўқишга изн берди. Зеро, мусоғир киши йўлда бораркан, ҳар намоз пайтида марқабидан тушиши ёки кўпчилик мингандан умумий сайёralарда ҳайдовчини тўхтатиши иккала тараф учун ҳам ҳараж бўлиши мумкин. Шу боис мусоғир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатиб берганларидай, пешин билан асрни қаср қилган ҳолатда



жамлаши ва қайси бирининг вақтига тўғри келса, шу вақтда ўқиб олиши мумкин. Шом билан хуфтон ҳам шундай ўқилади, фақат бомдод намозини ўз вақтида, икки ракъат қилиб ўқийди, бомдоднинг суннатини сафарда ҳам ўқиш суннат.

**Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Сафарда пешин билан асрни, шом билан хуфтонни жамлаб ўқиш суннат.
2. Қўшиб ўқилаётган икки намозни қайси бирининг вақти мусофирга муносиб бўлса, ўша вақтда ўқиш мумкин. Бу масала “жамъу тақдим” ва “жамъу таъхир” деб номланади.
3. Бу икки намоз орасида суннат ёки нафл намозларини ўқимаслик айни суннат.